



# “IJRO.GOV.UZ” – ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БОСҚИЧЛАРИ

## ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИ ВА ТОПШИРИҚЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ҚУЙИДАГИ ТАРТИБИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ:



**Биринчи босқич** – Президент Администрацияси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни “Ijro.gov.uz”га киритиш учун Адлия вазирлигига юборади



**Иккинчи босқич** – Адлия вазирлиги назоратга олинган топшириқларни электрон тизимга киритади, мазкур топшириқлардан келиб чиққан ҳолда масъул ижрочилар ва бажариш муддатларини белгилайди



**Учинчи босқич** – давлат органлари ва ташкилотлари, ҳокимликлар, ҳўжалик бирлашмалари қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқларни тўлиқ ва ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва электрон тизимга маълумотларни киритади



**Тўртинчи босқич** – Адлия вазирлиги маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади



**Бешинчи босқич** – Вазирлар Маҳкамаси ўз тизимидаги давлат бошқаруви органлари томонидан киритилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни тасдиқлайди ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади, ҳар ойда Раёсат мажлисларида ижро натижадорлигини танқидий кўриб чиқади ва Президент Администрациясига маълумот киритади



**Олтинчи босқич** – Ҳисоб палатаси ижрочилар томонидан киритилиб, Адлия вазирлиги ва Ҳукумат томонидан текширилган маълумотлар тўлиқлиги ва ҳаққонийлигини текширади, уларни назоратдан ечади ёки масъул ижрочига қайта ишлашга жўнатади



**Еттинчи босқич** – Президент Администрацияси қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини назорат қилувчи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

